



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 23 » декабрь

№ 808

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 5 октябрдаги ПФ–6079-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда очиқ маълумотларнинг ошкоралик ва сифати даражасини, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Қуйидагилар:

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепциясини 2021 йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига (кейинги ўринларда – Портал) эгалик қилувчи, уни техник қўллаб-куватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришга масъул ҳисобланади;

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепциясини навбатдаги йилларда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш комиссияси) томонидан ҳар йил якунига қадар тасдиқланади.

3. Куйидагилар Портални юритиш ва уни янада тақомиллаштиришда асосий вазифалар этиб белгилансин:

а) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

Портал фаолиятини қўллаб-қувватлаш, унинг сифатли ва узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш;

ахборот хавфсизлиги соҳасидаги талабларга мувофиқ очик маълумотларнинг Порталда сақланиши ва ҳимояланишини таъминлаш;

Портални мунтазам тақомиллаштириш ва модернизация қилиш;

Порталнинг электрон ҳукумат ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари, шунингдек, Корпоратив ахборот ягона портали билан интеграциясини босқичма-босқич амалга ошириш;

Порталнинг функционал имкониятларини кенгайтириш бўйича белгиланган тартибда чоралар қўриш, тизимдан фойдаланиш жараёнида давлат органлари ва ташкилотларига техник ёрдам кўрсатиш;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси:

халқаро тажриба ҳамда фойдаланувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Порталда эълон қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларининг очик маълумотлар тўпламлари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) мунтазам янгиланиб турилиши;

2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепциясини навбатдаги йилда амалга ошириш бўйича “йўл харитаси” лойиҳасини ишлаб чиқиб, ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланиши учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Рўйхат асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маълумотларнинг тўлиқ жойлаштирилиши ва уларнинг ўз вақтида Порталда акс эттирилиши бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш, жойлаштирилаётган очик маълумотлар тўпламларининг долзарблигини баҳолаш;

давлат органлари ва ташкилотларининг Порталдан самарали фойдаланишларини таъминлаш, шунингдек, ундан самарали фойдаланиш бўйича методологик ёрдам кўрсатиш;

мамлакатда очик маълумотлар соҳасини янада ривожлантириш бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

в) давлат органлари ва ташкилотлари:

очик маълумотлар тўпламларини тасдиқланган Рўйхатда белгиланган муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда Порталда ва расмий веб-сайтларда жойлаштириб бориш ҳамда уларнинг айнан бир хил ва ўзаро боғлиқлигини таъминлаш;

Порталда жойлаштирилган очик маълумотлар тўпламларининг долзарблигини таъминлаш;

Рўйхатни янгилашда устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини инобатга олган ҳолда таклифлар киритиш;

маълумотларни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш, уни мунтазам янгилаб туришга масъул юқори малакали кадрларни биректириш ва доимий равища уларнинг малакасини ошириб боришини таъминлаш;

акциядорлик жамиятлари билан биргалиқда Корпоратив ахборот ягона порталига маълумотлар ўз муддатида ва сифатли киритиб борилишини таъминлаш учун масъул этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) 2021 йил 1 августга қадар Порталнинг янги талқинини ишлаб чиқиб, ишга туширилишини таъминласин. Бунда қуидагиларни инобатга олсин:

маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш;

очиқ маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми;

очиқ маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назорат қилиш имконияти;

б) уч ой муддатда Портални электрон ҳукумат ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан босқичма-босқич интеграция қилиш бўйича режа-графикни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси уч ой муддатда:

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргалиқда Порталда мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар тўпламлари Рўйхатини тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргалиқда очиқ маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтинглар, хусусан, “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқаро очиқ маълумотлар хартиясига қўшилиши бўйича белгиланган тартибда зарур чораларни кўрсин.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Рўйхат асосида Порталда эълон қилинадиган ахборотларнинг мазмунига, тўлиқлигига, ишончлилигига, ўз вақтида шакллантирилишига ва янгилаб туришига ҳамда тегишли ахборотларни шакллантиришда халқаро методологик стандартларни, тавсияларни ўрганишга ва уларнинг амалда қўлланилишига масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

Рўйхатни янгилашда устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини инобатга олган ҳолда таклифлар киритиш;

маълумотларни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш, уни мунтазам янгилаб туришга масъул юқори малакали кадрларни бириктириш ва доимий равиша уларнинг малакасини ошириб боришини таъминлаш;

акциядорлик жамиятлари билан биргаликда Корпоратив ахборот ягона порталига маълумотлар ўз муддатида ва сифатли киритиб борилишини таъминлаш учун масъул этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) жорий йил якунига қадар Порталнинг янги талқинини ишлаб чиқиши бўйича лойиҳа-техник хужжатларни ишлаб чиқсин ва экспертизадан ўтказсин ҳамда 2021 йил 1 июлга қадар ишга туширилишини таъминласин. Бунда қуйидагиларни инобатга олсин:

маълумотларни стандартлаштирилган шаклда юритиш, интерактив харитага объектнинг географик жойлашув маълумотларини киритиш;

очиқ маълумотлар тўпламларида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиш механизми;

очиқ маълумотлар тўпламларини ўз вақтида жойлаштириш ва уларни янгилаш устидан назорат қилиш имконияти;

б) уч ой муддатда Портални электрон ҳукумат ҳамда вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари билан босқичма-босқич интеграция қилиш бўйича режа-графикни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси уч ой муддатда:

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда Порталда мажбурий эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар тўпламлари Рўйхатини тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда очиқ маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтинглар, хусусан, “Очиқ маълумотлар глобал индекси” ва “Очиқ маълумотлар барометри” рейтингларида Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқаро очиқ маълумотлар хартиясига қўшилиши бўйича белгиланган тартибда зарур чораларни кўрсин.

6. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Рўйхат асосида Порталда эълон қилинадиган ахборотларнинг мазмунига, тўлиқлигига, ишончлилигига, ўз вақтида шакллантирилишига ва янгилаб турилишига ҳамда тегишли ахборотларни шакллантиришда халқаро методологик стандартларни, тавсияларни ўрганишга ва уларнинг амалда қўлланилишига масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 7 августдаги 232-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

8. Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – IT-технологиялар, телекоммуникациялар ва инновацион фаолиятни ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғи О.М. Умаров, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Б.А. Бегалов ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.М. Садиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил “23” декабр даги 808-сон қарорига
1-илова

**2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида
очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш
КОНЦЕПЦИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) очик маълумотларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойилларини, маълумотларнинг очиқлигини методик, ташкилий ва ахборот-технологик қўллаб-қувватлаш тадбирлари ҳамда ривожланиш босқичларини ўз ичига олади.

2. Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириш ушбу Концепцияга иловада келтирилган асосий мақсадли қўрсаткичлар ва индикаторларга эришишга асосланади.

3. Концепциянинг асосий мақсади 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини такомиллаштиришнинг стратегик йўналишларини шакллантириш ва ривожлантиришдан, шу билан бирга, давлат органлари фаолиятининг шаффоғлигини таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишдан иборат.

**2-боб. Ўзбекистон Республикасида
очик маълумотлар соҳасидаги жорий ҳолат**

4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат органлари ва ташкилотларининг (кейинги ўринларда – давлат органлари) фуқаролар ва бизнес ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлигининг янги механизмларини белгилаб берди. Ривожланишнинг қабул қилинган устувор йўналишларига мувофиқ жамоатчилик назорати, фуқаролик жамияти институтлари роли сезиларли даражада кучайтирилиб, ахборот-коммуникация технологиялари орқали давлат хизматлари қўрсатишнинг очиқлиги ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда ушбу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, 2015 йил март ойида жамоатчиликка тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий маълумотларни турли хил машинада ўқиладиган форматларда эълон қилиш имконига эга Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар портали (кейинги ўринларда – Портал) ишга туширилди.

Очиқ маълумотларни шакллантириш, жойлаштириш ва қайта ишлаш тартиби, давлат органларининг ўз расмий веб-сайтларида ва Порталда эълон қилинадиган давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхати (кейинги ўринларда – Рўйхат) тасдиқланди. Ҳозирги кунга қадар Порталда 147 та вазирлик ва идораларнинг 10 мингдан ортиқ очиқ маълумотлар тўпламлари жойлаштирилди, юклаб олишлар сони эса 7 миллиондан ошди.

Бироқ, амалга оширилган ишларга қарамай, очиқ маълумотларнинг ривожланишини чекловчи бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг эълон қилиниши қўпчилик давлат органларида жамият ҳаётини яхшилаш ва давлат органилари фаолиятининг шаффофлигини ошириш бўйича ихтиёрий ташаббус билан эмас, балки иш жараёнини назорат қилиш билан боғлиқ. Ўрнатилган тенденциянинг сабаби бир қатор омиллардан иборат, хусусан:

Портални тартибга солища камчиликларни келтириб чиқарадиган эскирган, замонавий талабларга жавоб бермайдиган норматив-ҳукукий ва методик база;

очиқ маълумотларни шакллантириш ва эълон қилишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фикр-мулоҳазалари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинишининг самарали қайта алоқа тизими мавжуд эмаслиги;

Порталда жойлаштириладиган маълумотларни ўз вақтида ишлаб чиқиш, уларни онлайн режимида янгилаш борасида Порталнинг техник имкониятлари чекланганлиги;

маълумотларни ўз вақтида янгилаш, уларнинг долзарблигини таъминлаш ҳамда очиқ маълумотларни эълон қилиш натижалари мониторингини олиб бориш устидан назорат тизими мавжуд эмаслиги;

давлат органларининг нафақат фуқаролар ва бизнес учун, балки идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда давлатнинг бошқа органлари учун ҳам ёпиқлиги;

давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга тўсқинлик қилувчи шахсий маълумотлар билан ишлашнинг қатъий тамойиллари шулар жумласидандир.

3-боб. Очиқ маълумотларни ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ва тамойиллари

5. 2021-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишлари куйидагилардан иборат:

- очиқ маълумотларнинг норматив-ҳукукий базаларини такомиллаштириш;
- маълумотларнинг очиқлигини методик қўллаб-куватлашни таъминлаш;
- маълумотларнинг очиқлигини ташкилий қўллаб-куватлаш;
- маълумотларнинг очиқлигини ахборот-технологик қўллаб-куватлаш.

Буларга қўшимча равища қўйидаги йўналишларда ишлар олиб борилади:

2021 йилдан бошлиб очик маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида очик маълумотлар шаклида фаолият юритаётган иловалар ва хизматлар бозорини яратиш мақсадида мунтазам равища “Open Data Day” ва “Open Data Week”ни ўтказиш;

эълон қилинган очик маълумотларнинг мониторингини олиб бориш, макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш учун ахборот базасини кенгайтириш, фойдаланувчилар ва давлат органлари ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш чораларини кўриш, маълумотлар алмашинувини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш;

мамлакат обрўсини ва инвестицион жозибадорлигини оширишга қаратилган давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича ислоҳотларни янада чукурлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар соҳасидаги халқаро рейтингларда иштирокини таъминлаш ва мавқеини яхшилашда Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурларини бажариш;

вазирликлар ва идоралар ходимларини очик маълумотлар соҳасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек, ҳар йили юқори даражадаги професионалликни таъминлаш учун:

а) очик маълумотлар соҳасида кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган замонавий таълим стандартлари ва асосан соҳага оид фанлардан иборат сифат жиҳатидан янги таълим тизимини жорий этиш;

б) маҳаллий ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар билан очик маълумотлар соҳасида илғор тажриба ва илмий-тадқиқот ютуқларини алмашиш, шунингдек, мутахассисларни тайёрлаш, малака ошириш ва доимий равища стажировкадан ўтиш соҳасида ҳамкорлик қилиш.

6. Кўйидагилар Очик маълумотларни ривожлантиришнинг асосий тамойиллари ҳисобланади:

одатий равища очиқлик – маълумотларни қонуний талаблардан келиб чиқсан ҳолда очик, бепул ва машинада ўқиладиган форматларда эълон қилиш ҳамда улардан эркин фойдаланишини таъминлаш;

ўз вақтида эълон қилиш ва кенг қамровлилик – очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш, маълумотларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли эълон қилиш, шунингдек, улардан фойдаланиш қамровини кенгайтириш;

фойдалана олиш имконияти ва қулайлиги – ахборотдан фойдаланувчиларнинг барча тоифалари учун давлат органларининг

машинада ўқиладиган ва бошқа форматлардаги очик маълумотларидан фойдаланиш учун тенг имкониятларни яратиш;

таққослаш имкониятининг мавжудлиги ва ўзаро боғланганлик – очик маълумотларни излаш, таққослаш ва самарали қайта фойдаланишни кўллаб-куватлаш учун очик маълумотларни стандартлаштирилган таркиб ва форматда тақдим этиш ҳамда ўзаро боғлиқлик;

самарали бошқарув ва фуқароларни жалб этишга қаратилганлик – очик маълумотларни эълон қилишда ҳукумат ва фуқаролар ўртасида бошқарув ва ишончни мустаҳкамлашга қаратилганлик;

ҳар томонлама ривожланиш ва инновацияларга қаратилганлик – соҳадаги илфор хорижий мамлакатлар билан билим ва тажриба алмашиш ҳамда маълумотларни тўплаш тартиботлари, стандартлари ва эълон қилиш жараёнларининг шаффоғлигини таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш ҳамда очик маълумотлардан фойдаланишнинг инновацион усулларини рағбатлантиришга қаратилганлик.

4-боб. Очик маълумотларнинг норматив-хуқукий базасини такомиллаштириш

7. “Очиқ” ахборот ва маълумотларни аниқ белгилаш, фрагментлаш, тақрорланиш ва бўшлиқларни олдини олиш мақсадида давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот ва маълумотлардан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-хуқукий хужжатларни такомиллаштириш.

8. Очик маълумотлар рўйхатини шакллантириш тартиб-таомилларини қайта кўриб чиқиши ва модернизация қилиш, уларни давлат органлари томонидан жойлаштириш ва мониторинг олиб бориш, очик маълумотлар тизими иштирокчиларини ташкилий кўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, очик маълумотлар фойдаланувчилари билан муносабатларни такомиллаштириш ҳисобига қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши.

9. Очик маълумотларни ривожлантириш соҳасида халқаро хужжатлар имзоланишини ташкил этиши ва уларни амалга ошириш бўйича вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Халқаро очик маълумотлар Хартиясига қўшилишини сўзсиз таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш.

5-боб. Маълумотларнинг очиқлигини методик кўллаб-куватлашни таъминлаш

10. Очик маълумотларнинг шаклланишини ҳисобга олган ҳолда уларни такомиллаштиришнинг талаб этиладиган даражаси ва даврийлигидан келиб чиқиб, очик маълумотлар тузилмасининг тавсифини унификация қилиш, шу жумладан, очик маълумотлар тўпламларида ягона маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланишни тартибга солиш.

11. Эксперт баҳолари, юкламалар бўйича статистик маълумотлар, фойдаланувчиларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғида сўровлари, қидирув сўровлари натижалари, жисмоний ва юридик шахслардан очиқ маълумотларни олиш бўйича сўровлар асосида жойлаштирилган маълумотлар тўпламига бўлган талабни баҳолаш тартибини ишлаб чиқиши.

12. Порталда тақдим этиладиган очиқ маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳолатини баҳолаш тартибини қайта кўриб чиқиши ва давлат органларининг расмий веб-сайтларида “очиқ маълумотлар” бўлимидаги бандларни батафсил ўрганиб чиқиши.

13. Портал билан интеграция қилиш бўйича ишлаб чиқилаётган тизимларда интеграциялаш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги талабларни инобатга олган ҳолда давлат ахборот тизимларининг техник топшириқларини кўриб чиқиши ва экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.

14. Очиқ маълумотлар соҳасидаги методик базани умумэътироф этилган илфор халқаро стандартлар ва тавсиялар, шу жумладан, шартномалар бўйича очиқ маълумотлар стандарти, молиялаштириш бўйича очиқ стандарт, ёрдам кўрсатишнинг шаффоғлиги бўйича халқаро ташаббус асосида такомиллаштириш.

15. Очиқ маълумотларнинг долзарблигини таъминлаш мақсадида уларнинг эълон қилиниши натижалари бўйича мунтазам мониторинг олиб бориш. Жумладан:

а) “Контекст” мониторинги – сиёсий ва норматив-хуқуқий муҳит, институционал тайёргарлик, кадрлар салоҳияти, фуқароларнинг иштироки, инновацияларни молиялаштириш ва технологик инфратузилма каби очиқ маълумотлар концепциясини жорий этишнинг асосий жиҳатлари ҳолатини тизимли диагностика қилиш;

б) “Маълумотлар сифати ва талаби” мониторинги – талаб қилинган маълумотлар жамият учун энг катта қизиқиши ва аҳамиятга эга бўлган ахборот сифатида тушунилади. “Сифатли” маълумотлар чукур деталлаштириш, очиқликнинг техник, хуқуқий ва амалий параметрлари каби хусусиятларни ўз ичига олади. Маълумотлар сифати ва уларга талаб юқори бўлганларининг мониторингини олиб бориш методикаси жаҳон ҳамжамияти томонидан кўлланиладиган мавжуд баҳолаш тизимлари асосида ишлаб чиқилиши керак;

в) “Маълумотлардан фойдаланилганлик” мониторинги – фойдаланувчилар тоифаси ва маълумотлардан фойдаланиш мақсадларни ўрганиш. Очиқ маълумотлардан фойдаланиш мониторинги очиқ маълумотлар порталида ва давлат органларининг веб-сайтларида жамоатчилик фикри сўровига асосланган бўлиши керак.

г) “Ижтимоий-иқтисодий таъсир” мониторинги – очиқ маълумотлардан фойдаланишдан олинган имтиёзларни баҳолаш. Потенциал фойда ижтимоий, экологик, сиёсий ва иқтисодий жиҳатлар доирасида ўрганилиши мумкин.

16. Таъсир этиш мониторинги усули давлат маълумотларини ошкор қилишнинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини прогнозлаштириш ва баҳолаш (инвестицион жозибадорлик ва тадбиркорлик муҳити, давлат ва жамоат секторларида иқтисодий самарадорлик, хавф-хатарларни таҳлил қилиш, ижтимоий ва иқтисодий оқибатлар) асосида ишлаб чиқилади.

6-боб. Маълумотларнинг очиқлигини ташкилий қўллаб-қувватлаш

17. Очиқ маълумотларни ишлаб чиқиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантирувчи орган, Портал оператори, очиқ маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчиларнинг функциялари ва вазифаларини аниқ белгилаб бериш.

18. Очиқ маълумотлар соҳасида амалга оширилаётган ишларнинг очиқлиги ва сифатини оширишга, шу жумладан, очиқ маълумотлар етказиб берувчиларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари ва масъулиятини қонун хужжатлари даражасида мустаҳкамлаш ҳисобига маълумотлар етказиб берувчиларнинг масъулиятини ва қизиқишини кучайтириш.

19. Мунтазам равища етакчи эксперталарни жалб қилган ҳолда очиқ маълумотлар бўйича республика ва халқаро конференциялар ҳамда саммитларни ташкил этиш.

20. Илғор халқаро тажрибадан фойдаланган ҳолда очиқ маълумотлар билан ишловчи масъул раҳбар ва ходимларни доимий ўқитиш жараёнини ташкил этиш.

21. Очиқ маълумотлар бўйича ҳамжамиятни шакллантириш ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида очиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда фаолият юритаётган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини яратиш ва такомиллаштириш, давлат-хусусий шерикликни мустаҳкамлаш мақсадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон”ларни мунтазам равища ўтказиш чораларини кўриш.

22. Ўтказилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш ва фойдаланувчилар, шу жумладан, чет эллик фойдаланувчиларнинг очиқ маълумотлардан фойдаланишини оммалаштириш бўйича ишларни амалга ошириш.

23. Халқаро ареналарда мамлакатнинг очиқлик соҳасида, очиқ маълумотларнинг ривожланиш даражаси ва фойдаланиш имконияти бўйича обрўсини мустаҳкамлаш, шу жумладан, истиқболли халқаро рейтинг ва ҳисботларда мамлакат ўрнини яхшилаш.

7-боб. Маълумотларнинг очиқлигини ахборот-технологик қўллаб-қувватлаш

24. Фойдаланувчиларга қулайлик яратиш ҳамда Портал фаолияти сифатини ошириш мақсадида Портал инфратузилмаси ва дастурий платформасини модернизация қилиш.

25. Порталнинг функционал воситаларини ривожлантириш, очиқ маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун фойдаланувчилар жамоасини жалб қилишда краудсорсингдан кенг фойдаланиш.

26. Давлат органларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган электрон маълумотларни ўрганиш жараёнида очиқ маълумотлар рўйхатини шакллантириш тартибини модернизация қилиш ва қайта кўриб чиқиш.

8-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

27. Концепцияни амалга оширишдан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

давлат органлари фаолиятининг шаффоғлиги ва ҳисобдорлигини ошириш;

давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ва мониторинг олиб бориш имконияти орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш;

фуқароларнинг давлат органларига бўлган ишончини ошириш;

“Очиқ Ҳукумат” концепциясини амалга ошириш учун ахборот базасини яратиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида очиқ маълумотлар шаклида фаолият юритаётган иловалар ва хизматлар бозорини шакллантиришга кўмаклашиш;

ижтимоий-фойдали хизматлар ишлаб чиқиша бюджет харажатларини тежаш;

давлат органлари ўртасида ахборот алмасиши имкониятларини кенгайтириш.

9-боб. Концепциянинг амалга oshiрилиши мониторингини олиб бориш

28. Концепциянинг амалга оширилишининг тизими мониторингини олиб бориш, умумий мувофиқлаштириш, республикада очиқ маълумотлар соҳаси ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоли масалаларни тезкор кўриб чиқиш ва ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

29. Концепцияни амалга ошириш мониторинги ушбу Концепцияда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлақонли бажариш бўйича давлат органлари фаолиятини баҳолаш асосида амалга оширилади.

2021-2025 йилларда Ўзбекистон
Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини
ривожлантириш концепциясига
илова

**2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида
очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш концепциясини
амалга ошириш натижасида эришиладиган
АСОСИЙ МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР ВА ИНДИКАТОРЛАР**

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Жорий кўрсат-кич	Режалаштирилган кўрсаткичлар				
			2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
I. Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталига маълумотлар тўпламларини жойлаштириш							
Очиқ маълумотлар порталига жойлаштирилган маълумотлар тўпламлари сони	минг, дона	9,2	10,0	11,2	12,0	12,5	13,0
Очиқ маълумотлар порталига интеграция қилиш орқали автоматик равишда жойлаштирилган маълумотлар тўпламлари сони	дона	-	100	200	1 000	4 000	6 500
II. Очиқ маълумотлар асосида дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиши							
Очиқ маълумотлар асосида ишлаб чиқилган дастурий маҳсулотлар ва мобил иловалар	дона	5	10	15	20	25	30
III. Очиқ маълумотлар соҳасини оммалаштириш бўйича семинарлар, конференциялар, вебинарлар, анжуманлар ва тадбирлар ташкил қилиш ва иштироқ этиш							
Семинарлар, конференциялар, вебинарлар, анжуманлар	дона	15	20	25	30	35	40
IV. Очиқ маълумотлар соҳасида давлат органлари ва идоралари ходимларини ўқитиши ва малакасини ошириш							
Давлат органлари ва идоралари ходимларини ўқитиши ва малакасини ошириш	нафар	120	150	170	200	220	250

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “23” декабр даги 08 - сон қарорига
2-илова

**2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очик маълумотлар соҳасини ривожлантириши
концепциясини 2021 йилда амалга ошириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
I. Очик маълумотларнинг норматив-хукукий базасини такомиллаштириш ва маълумотларнинг очиклигини методик ёўллаб-кувватлаш				
1	Очик норматив-хукукий базасини такомиллаштириш.	“Очик” ахборот ва маълумотларни аник белгилаш, фрагментлаш, тақрорланиш ва бўшликлар мавжудигининг олдини олиш максадида давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан таргиба солувчи норматив-хукукий хужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш.	2021 йил июнь	Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги
2	Очик маълумотлар рўйхатини шакллантириш, тасдиқлаш ҳамда тасдиқланган рўйхат асосида давлат органлари томонидан очик маълумотлар тўпламири тўлиқ эълон килинishi, уларнинг долзарблиги мониторингини олиб бориш.	1. Устувор ҳалқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини, шунингдек, фойдаланувчиларнинг таклиф ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда очик маълумотлар рўйхатини шакллантириш. 2. Очик маълумотлар рўйхатини заруратга кўра, бирок йилига бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда кайта кўриб чикиш ва тасдиқлаш учун	2021 йил январь	Давлат статистика кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар Хар йили 1 декабрга қадар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		<p>Мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.</p> <p>3. Тасдиқланган рўйхат асосида давлат органлари томонидан очик маълумотлар тўлиқамлари тўлиқ эълон килинини ҳамда уларнинг долзарблиги мониторингини олиб боринш.</p>	<p>Доимий равишда</p>	
3	<p>Очиқ ривожлантириш соҳасида халқаро хужжатлар имзоланишини ташкил этиш ва уларни амалга ошириш бўйича тадбирларнинг ўз вактида ва сифатли бажарилипини, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Халқаро очик маълумотлар Хартияси”га кўшилини бўйича ишларни амалга ошириш.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро очик маълумотлар Хартиясига аззо бўлиши юзасидан хужжатларни расмийлаштириш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасида Халқаро очик маълумотлар Хартияси тамойиларини жорий килиш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун “Ракамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.</p>	<p>2021 йил февраль</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги</p> <p>2021 йил сентябрь</p>
4	<p>Очиқ маълумотлар соҳасини халқаро стандартлар асосида такомилаштириш.</p>	<p>Методик базани Умумэтироф этилган илгор халқаро стандартлар ва тавсиялар, шу жумладан, шартномалар бўйича очик стандарти, маълумотлар молиялаштириш бўйича очик стандарт, ёрдам кўрсатишнинг шафоғлиги бўйича халқаро ташаббус асосида такомилаштириш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги, манфаатдор вазирлар ва идоралар</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажарыш муддати	Масъул ижрочилар
5	Очиқ маълумотларни бахолаш механизмини яратиш	<p>1. Очиқ маълумотлар сифатини бахолаш бўйича илгор хорижий тажрибани ўрганиш.</p> <p>2. Эксперт баҳолари, юкламалар бўйича статистик маълумотлар, фойдаланувчиларнинг сўровлари, кидирув сўровлари нағижалари, жисмоний ва юридик шахслардан очик маълумотларни олиш бўйича сўровлар асосида жойлаштирилган тўпламига бўлган талабни баҳолаш тартибини ишлаб чикиш.</p>	2021 йил май	Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги
6	Ягона тузилмасини шакллантириш.	<p>1. Очиқ маълумотлар шаклланишини хисобга олган холда уларни такомиллаштиришининг талаб килинадиган дарражаси ва даврийлиги, шу жумладан, очик маълумотлар тўпламларида ягона маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланишини таргига солиш масаласини назарда тутган холда очик маълумотлар тузилмасининг тавсифини унификация килиш.</p> <p>2. Очиқ маълумотларни етказиб берувчиларнинг ушбу яратилган ягона структура оркали маълумотларни шакллантиришни таъминлаш.</p>	2021 йил май	Давлат статистика кўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажарыш муддати	Масъул ижрочилар
II. Маълумотларнинг очиклигини ташкилий кўллаб-кувватлаш				
7	Маълумотлардан фойдаланишини рагбатлантириш ва натижаларни кенг жамоатчиликка тақдим этиш.	<p>1. Етакчи эксперталарни жалб киlgан холда очик маълумотлар бўйича республика ва халкаро конференциялар ҳамда саммитларни ташкил этишни жорий килиш.</p> <p>2. Очик маълумотлар куни “Open Data Day”ни ўтказиш.</p> <p>3. Очик маълумотлар хафталиги “Open Data Week”ни ўтказиш.</p> <p>4. Илгор халкаро тажрибадан фойдаланган холда очик маълумотлар билан ишловчи масъул раҳбар ва ходимларни ўқитишни ташкил этиш.</p> <p>5. Очик маълумотлар бўйича хамжамиятини шакллантириш ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида очик маълумотлардан фойдаланган холда фаолият юритаётган дастурий маҳсулотлар ва хизматлар бозорини яратиш ва такомилаштириш максадида “Open Data Challenge” ва “Хакатон”каби тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>6. Ўтказилган тадбирларни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармокларда кент ёритиш</p>	<p>Доимий равища</p> <p>Доимий равища</p> <p>Доимий равища</p> <p>Доимий равища</p> <p>Доимий равища</p>	<p>Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги, манбаатдор вазирликлар ва идоралар</p> <p>2021 йил март</p> <p>2021 йил декабрь</p> <p>Алоҳида графикка мувоғиқ</p> <p>Доимий равища</p> <p>Доимий равища</p>

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмни	Бажариш муддати	Масъул ижрочилар
		хамда махаллий ва хорижий очик фойдаланувчилар маълумотлардан фойдаланишини оммалаштириш.		
8	Ўзбекистон Республикасининг очик маълумотлар соҳасидаги халқаро нуфузли рейТИнгларда иштирокини таъминлаш.	Маълумотларнинг очиқлиги, ривожланиши даражаси ва мавжудлиги, жумладан, истикболли халқаро рейтинг ва хисоботларда мамлакатнинг мавқеини яхшилаш хисобига халқаро майдонда мамлакат обўусини мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб бориши.	Доимий равишида	Давлат статистика кўмитаси, Ахборот технологиялари вазирлиги, манбаатдор вазирликлар ва идоралар
			III. Маълумотларнинг очиқлигини ахборот-технологик қўллаб-кувватлаш	
9	Фойдаланувчиларга кулагайлик яратиш хамда Очик маълумотлар портали фаолияти сифатини ошириш максадида Порталнинг инфрагузилмаси ва дастурий модернизация платформасини килиш.	1. Очик маълумотлар порталининг янги талкинини ишлаб чиқиш бўйича лойиха-техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 2. Очик маълумотлар порталининг янги талкинини ишлаб чиқиш бўйича ижрочини аниқлаш. 3. Очик маълумотлар порталининг янги талкинини ишга тушириш.	2021 йил февраль	Ахборот технологиялари вазирлиги
10	Очик маълумотлар портали фаолиятини такомиллаштириш.	1. Порталнинг функционал воситаларини ривожлантириш, очик маълумотларни тўллаш ва таҳлил килиш учун фойдаланувчилар жамоасини жалб килишда краудсорсингдан кенг фойдаланиш.	Доимий равишида	Ахборот технологиялари вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси

T/p	Тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Бажарыш мүддати	Масъул ижрочилар
		2. Давлат органларининг ахборот тизимларида мавжуд бўлган электрон маълумотларни ўрганиши жарабёнида очик маълумотлар рўйхатини шакллантириш тартибини кайта кўриб чиқкиш.	Заруратга кўра, йилига бир мартадан кўп бўлмаган холда	

Вазирлар Махкамасининг
2020 йил “23” декабр даги 808 сон қарорига
3-илова

**Ўзбекистон Республикасининг
Очиқ маълумотлар портали тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталининг мақсад ва вазифаларини, унинг оператори, очиқ маълумотларни етказиб берувчилари ва фойдаланувчилари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар портали оператори Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳисобланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталини техник қўллаб-куватлаш, унинг функционал имкониятларини такомиллаштириш, узлуксиз ишлишини таъминлаш ҳамда идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграция қилиш бўйича ишларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилади.

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали (кейинги ўринларда – Портал) – Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида фаолият кўрсатувчи ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотларини жойлаштириш учун мўлжалланган, очиқ маълумотларни эълон қилишда ва улардан фойдаланишда Портал оператори, очиқ маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни таъминловчи data.gov.uz электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси;

очиқ маълумотлар – кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланиш мақсадида машинада ўқиладиган форматда Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган давлат органлари ва ташкилотларининг ахбороти;

машинада ўқиладиган формат – маълумотларни дастурий қайта ишлиши таъминловчи, ушбу маълумотларни тақдим этишнинг электрон формати;

очиқ маълумотлар тўплами – очиқ маълумотларнинг бир турдаги элементлари ва уларни тавсифловчи атрибутлар мажмуи;

очиқ маълумотлар тўплами паспорти – очиқ маълумотлар тўпламини бир хил идентификация қилиш имконини берувчи ушбу тўплам тўғрисидаги маълумотлар мажмуи;

Портал оператори – давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини (кейинги ўринларда – Рўйхат) шакллантириш, янгилаш ва уларга очиқ маълумотлар соҳасида методологик ёрдам кўрсатувчи ҳамда Порталдан фойдаланиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи юридик шахс;

очиқ маълумотларни етказиб берувчилар – Порталда очиқ маълумотлар тўпламларини жойлаштирадиган давлат органлари ва ташкилотлари. Очиқ маълумотларни етказиб берувчилар сифатида хўжалик юритувчи субъектлар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам иштирок этишлари мумкин;

фойдаланувчилар – Порталда жойлаштирилган очиқ маълумотлардан фойдалана олувчи жисмоний ва юридик шахслар.

5. Давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармонига мувофиқ ташкил қилинган, халқаро рейтинглар билан ишлаш ва “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар томонидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталаида эълон қилинадиган маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Порталнинг мақсади ва вазифалари

7. Куйидагилар Порталнинг мақсади ҳисобланади:

ягона ахборот ресурсида мавжуд бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари тўғрисида тўлиқ маълумотни тақдим этиш;

очиқ маълумотларни шакллантириш, эълон қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ягона алоқа платформасини яратиш;

очиқ маълумотлар соҳасида ягона технологик сиёsatни шакллантириш ва амалга ошириш;

фойдаланувчиларга Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги очиқ маълумотлардан фойдаланишнинг ягона электрон майдонини тақдим этиш;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида очиқ маълумотларга киришни ва улардан фойдаланиш имкониятини таъминлаш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг очиқ маълумотларни етказиб берувчилар билан ўзаро ҳамкорлигини ошириш;

очиқ маълумотларни етказиб берувчилар ва уларнинг фаолияти тўғрисида ҳамма эркин фойдалана олиши мумкин бўлган ахборотни олишда

фойдаланувчилар учун бюрократик түсиқлар ва тұғаноқларни қисқартыриш ва бартараф этиш.

8. Куйидагилар Порталнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

очиқ маълумотларни эълон қилишнинг ягона технологик ва методологик принципларини тарқатиш;

жойлаштирилган очиқ маълумотлардан кўп маротаба, эркин ва бепул фойдаланишни таъминлаш;

фойдаланувчиларнинг очиқ маълумотларни етказиб берувчилар билан, шу жумладан, жойлаштирилган очиқ маълумотларнинг долзарблиги, янги очиқ маълумотларни эълон қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш ва очиқ маълумотларни олишда фойдаланувчилар учун шарт-шароитларни яхшилаш масалалари юзасидан ўзаро алоқаларини таъминлаш;

маълумотлар янгиланиши устидан назорат қилишнинг ягона технологик платформасини, шунингдек, маълумотларни долзарб ҳолатда сақлаб туриш мақсадида очиқ маълумотларни эълон қилиш натижалари мониторинги олиб борилишини ташкил қилиш.

Порталда жойлаштириладиган маълумотлар билан давлат органлари ва ташкилотлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг шахсий манфаат мақсадида танишиб чиқиши, юклаб олиши ва улардан фойдаланиши бепул тарзда амалга оширилади. Тижорат ва хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида Портал билан электрон ҳамкорликни йўлга қўйиш (API интерфейсларидан фойдаланган ҳолда) орқали фойдаланиш бундан мустасно.

3-боб. Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган очиқ маълумотлар тўпламларига қўйиладиган талаблар

9. Очиқ маълумотлар тўпламларини расмийлаштириш лотин алифбосидан фойдаланилган ҳолда давлат тилида ва инглиз тилида, шунингдек, кирилл алифбосидан фойдаланилган ҳолда рус тилида грамматик, орфографик ва пунктуация қоидаларига риоя этилган ҳолда тақдим этилади. Очиқ маълумотлар тўпламлари уларни жойлаштириш имконияти ва техник воситалар мавжуд бўлганда қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тақдим этилиши мумкин.

10. Очиқ маълумотлар тўпламлари уларни расмийлаштириш форматлари ва қоидаларининг қуйидаги талабларига жавоб бериши керак:

машинада ўқиладиган форматда (XLSX, CSV, XML, JSON, RDF) эълон қилиниши керак;

очиқ маълумотлар тўпламларидаги маълумотлар улардан дастурий интерфейс орқали автоматик фойдалана олиш имконияти билан таъминланиши керак;

очиқ маълумотлар тўпламининг сақланадиган версиялари сони фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда сақлаш учун ресурс имкониятларидан келиб чиқиб белгиланади;

очиқ маълумотлар тўпламларининг тузилмаси очиқ маълумотлар тўпламининг ҳар бир ахборот майдони тавсифини намойиш этиши керак;

очиқ маълумотлар тўпламининг тузилмаси ўзгартирилганда тузилманинг версиялилиги ва бу версиянинг очиқ маълумотларнинг кейинги тўпламларига мос келиши таъминланиши керак. Очиқ маълумотлар тўпламлари тузилмасининг ҳар бир сакланадиган версияси ҳаволага эга бўлиши керак.

11. Порталда эълон қилинадиган маълумотлар “Давлат ҳокимияти ва бошқарувি органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида” ва “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар талаблари асосида шакллантирилади.

12. Очиқ маълумотлар тўпламига киритиладиган ахборот қуйидаги талабларга жавоб берishi керак:

жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотларидан фойдалана олишни таъминламаслиги керак;

давлат, банк, тижорат, солик сирини ёки қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирни ўз ичига олган маълумотларни, шунингдек, маҳфий ахборотни ошкор қиласлиги керак;

нотўғри маълумотларни ўз ичига олмаслиги керак;

қонун хужжатлари билан тақиқланган бошқа маълумотларни ўз ичига олмаслиги керак.

13. Порталдаги ахборотлар:

фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда эълон қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғланган бўлиши лозим.

14. Порталда қуйидаги бирламчи маълумотлар очиқ маълумотлар шаклида мажбурий жойлаштирилиши лозим:

очиқ маълумотларни етказиб берувчи фаолияти тўғрисида эркин фойдаланилиши мумкин бўлган умумий маълумотлар;

очиқ маълумотларни етказиб берувчи фаолиятининг асосий соҳалари бўйича статистик маълумотлар;

давлат ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларида мавжуд бўлган, ошкор этилиши қонун ҳужжатлари билан чекланмаган очиқ маълумотларни етказиб берувчининг маълумотлари ва ахбороти;

фойдаланувчилар ўртасида ҳамда миноритар ва портфел инвесторлари томонидан юқори даражада талаб қилинадиган маълумотлар ва ахборот;

очиқ маълумотларни етказиб берувчи томонидан яратилган ёки ўз ваколатларини амалга оширишда унга келиб тушган эркин фойдаланилиши мумкин бўлган ахборот.

15. Давлат органлари ва ташкилотларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғида очиқ маълумотлар шаклида жойлаштирилиши керак бўлган ахбороти ҳамда уларни жойлаштириш муддатлари ва янгилаш даврийлиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси (кейинги ўринларда – Мувофиқлаштириш комиссияси) томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади.

Рўйхат заруратга кўра, бироқ йилига бир мартадан кўп бўлмаган ҳолда устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар тавсиялари, шунингдек, фойдаланувчиларнинг таклиф ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

16. Очиқ маълумотлар шаклида жойлаштириладиган ахборотлар қўл меҳнати ёрдамида ҳамда автоматлаштирилган режимда тақдим этилиши мумкин.

17. Порталда жойлаштириш учун тақдим этиладиган ахборот долзарб, ишончли, тўлиқ бўлиши, шу билан бирга, давлат сирларини ёки қонун билан муҳофазаланган бошқа сирларни ўз ичига олмаган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг расмий веб-сайтларидаги ахборот билан айнан бир хил бўлиши керак.

4-боб. Портал операторининг хукуқ ва мажбуриятлари

18. Портал операторининг хукуқлари:

Портални ривожлантириш бўйича таклифлар киритиш;

Порталнинг функционал имкониятларига ўзгартериш бўйича таклифлар киритиш;

устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳалар бўйича нуфузли хорижий ташкилотлар тавсиялари, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари, шунингдек, Порталдан фойдаланувчиларнинг таклиф ва эҳтиёжларини инобатга олиб Рўйхатга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш, шу жумладан, эълон қилинган очиқ маълумотлар тўпламларини янгилаш ва долзарблиги масалалари бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш;

Рўйхат асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан маълумотлар тўлиқ жойлаштирилиши ва уларнинг ўз вақтида Порталда акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

мониторинг натижаларига асосланган ҳолда Порталда очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш ва янгилаш тартибини бузган

очиқ маълумотларни етказиб берувчилар юзасидан ваколатли органга тақдимнома киритиши.

19. Портал операторининг мажбуриятлари:

етказиб берувчиларнинг расмий веб-сайтларида ва Порталда эълон қилиниши мажбурий бўлган Очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини умумлаштириш ҳамда янгиланишнинг аниқ муддатларини ва даврийлигини белгилаган ҳолда тасдиқлаш учун Мувофиқлаштириш комиссиясига киритиши;

очиқ маълумотлар мавзуларини оммалаштириши;

Порталнинг функционал имкониятлари ўзгарганлиги тўғрисида Портал фойдаланувчиларини хабардор қилиши;

очиқ маълумотларни етказиб берувчиларнинг Порталга киришини таъминлаш;

Порталда эълон қилинган очиқ маълумотлар тўпламлари долзарблигини доимий мониторингини олиб бориш;

очиқ маълумотларни етказиб берувчилар томонидан бириктирилган масъул шахсларнинг очиқ маълумотлар соҳасига доир ташкил этилган ўқув курсларида малакасини ошириб бориш;

фойдаланувчилардан келиб тушган таклифларни, уларнинг келиб тушган кундан бошлаб бир кун муддатда қайта ишлаш ва тегишли очиқ маълумотларни етказиб берувчиларга кўриб чиқиш учун юбориш;

Порталда очиқ маълумотлар тўпламларига бўлган талаб статистикасини эълон қилишни таъминлаш;

Порталдаги очиқ маълумотлар тўпламларини янгилаш муддати кечиктирилган тақдирда, очиқ маълумотларни етказиб берувчини хабардор қилиши;

давлат органлари ва ташкилотларининг Порталдан самарали фойдаланишларини таъминлаш, шунингдек, ундан фойдаланиш масаласида методологик ёрдам кўрсатиши.

5-боб. Портални техник қўллаб-қувватловчининг хуқуқ ва мажбуриятлари

20. Портални техник қўллаб-қувватловчининг ҳуқуқлари:

очиқ маълумотларни етказиб берувчиларнинг идоравий ахборот тизимлари ва ресурсларини Портал билан интеграциялашга қўйиладиган талабларни белгилаш;

кейинчалик Портал операторига хабар қилиш орқали Порталнинг функционал имкониятларига ўзгартиришлар киритиши;

Портал оператори билан келишган ҳолда Портални ривожлантириш бўйича таклифлар киритиши.

21. Портални техник қўллаб-қувватловчининг мажбуриятлари:

Портални техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, узлуксиз ишлаши ва функционал имкониятларини такомиллаштириш ишларини ташкил этиши ва мувофиқлаштиришни тъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровига асосан белгиланган тартибда шартнома асосида Порталда жойлаштирилган очиқ маълумотлар тўплами маълумотлари электрон ҳамкорлик орқали автоматлаштирилган ҳолда тақдим этилишни ташкил қилиш;

ахборот хавфсизлиги талабларидан келиб чиқсан ҳолда Порталдаги очиқ маълумотларни ҳимоя қилиш ва сақлаш.

6-боб. Очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини расмийлаштириш

22. Очиқ маълумотлар тўпламининг паспорти лотин алифбосидан фойдаланилган ҳолда давлат тилида тузилган бўлиши керак. Очиқ маълумотлар тўпламининг паспорти қўшимча равишда бошқа тилларда ҳам тузилиши мумкин.

23. Очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини расмийлаштириш кўйидаги талаблар асосида амалга оширилади:

шрифти – “Times New Roman”;

шрифт ўлчами – 14;

жойлашиши – саҳифанинг чап томони бўйича.

24. Очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини тўлдириш ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда амалга оширилади.

7-боб. Очиқ маълумотлар билан ишлашда Портал оператори, очиқ маълумотларни етказиб берувчилар ва фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабати тартиби

25. Очиқ маълумотларни Порталда жойлаштириш ва улар билан ишлашда Портал оператори ва очиқ маълумотларни етказиб берувчиларнинг ўзаро муносабатлари ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

26. Очиқ маълумотларни етказиб берувчи Порталда ўз шахсий кабинетини очиш учун масъул шахснинг маълумотларини кўрсатган ва зарур материалларни илова қилган ҳолда Портал операторига расмий сўров юборади.

27. Очиқ маълумотларни етказиб берувчидан расмий сўровни олгандан кейин Портал оператори масъул шахсга очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш учун Порталда шахсий кабинетга кириш имкониятини тақдим этади.

28. Очиқ маълумотларни етказиб берувчи масъул шахс рўйхатдан ўтиб, шахсий кабинетга кириш имкониятига эга бўлганидан сўнг Порталда очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қиласди.

29. Ҳар бир фойдаланувчи Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали data.gov.uz веб-сайтида Порталдаги очиқ маълумотлардан фойдаланиш хукуқига эга.

30. Фойдаланувчилар Портал операторига Порталнинг дастурий-техник воситаларидан фойдаланган ҳолда унинг фаолият кўрсатиш масалалари бўйича ва очиқ маълумотларни етказиб берувчиларга Порталда жойлаштирилган очиқ маълумотлар тўпламлари юзасидан ахборот хабарларини юборишга ҳақлидир.

31. Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан бириктирилган масъул раҳбар ва ходимларнинг Портал оператори томонидан ташкил этилган Портал билан ишлаш, жумладан, очиқ маълумотлар тўпламларини жойлаштириш бўйича кўнинмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришга қаратилган ўқув курсларида малакасини ошириб боришлирга зарур шароит яратиб берилиши лозим.

32. Порталдаги очиқ маълумотлар тўпламларидан фойдаланишда очиқ маълумотлардан фойдаланиш шартлари ёки уларга бўлган ҳаволани кўрсатиш зарур.

8-боб. Очиқ маълумотлар тўпламини ва очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш тартиби

33. Очиқ маълумотлар тўпламини ва очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш, Порталда жойлаштиришдан ташқари, давлат органининг расмий веб-сайтида ҳам амалга оширилади.

34. Очиқ маълумотлар тўпламини ва очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини давлат органининг расмий веб-сайтида жойлаштириш учун қуидагилар зарур:

очиқ маълумотлар тўпламларини машинада ўқиладиган форматда эълон қилиш учун “Очиқ маълумотлар” бўлимни яратиш;

веб-сайтнинг бош сахифасида “Очиқ маълумотлар” бўлимига визуал фарқланадиган ҳаволани киритиш;

“Очиқ маълумотлар” бўлимида очиқ маълумотлар тўпламларининг алоҳида сахифаларига ҳаволалардан иборат очиқ маълумотлар тўпламларининг реестрини кўрсатиш.

35. Очиқ маълумотлар тўпламини ва очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш қўшимча равишда бошқа веб-ресурсларда ҳам ихтиёрий шаклда амалга оширилиши мумкин.

9-боб. Очиқ маълумотларни етказиб берувчининг хукуқ ва мажбуриятлари

36. Очиқ маълумотларни етказиб берувчининг хуқуқлари:

эълон қилинган очиқ маълумотлар тўпламларини янгилаш ва долзарблиги масалалари бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш ва киритиш;

Портал оператори билан келишган ҳолда Порталда очиқ маълумотларнинг қўшимча тўпламларини эълон қилиш;

Порталда очиқ маълумотларни сақлаш муддатлари, шу жумладан, очиқ маълумотлар тўпламлари тақрорланмаслигининг олдини олиш мақсадида Порталда очиқ маълумотларнинг тегишли ҳаволасини яратиш;

очиқ маълумотларни Порталда жойлаштиришда юзага келган техник масалалар бўйича Портал операторига ёки Портални техник қўллаб-куватловчига мурожаат этиш.

37. Очиқ маълумотларни етказиб берувчининг мажбуриятлари:

Порталда очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш масалалари бўйича масъул раҳбар ва ходим тайинлаш, унинг алоқа маълумотларнинг Порталда эълон қилинишини таъминлаш;

ўз расмий веб-сайтларида “Очиқ маълумотлар” бўлимими яратиш ҳамда мазкур бўлимда тасдиқланган Рўйхатга мувофиқ очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиб бориш;

очиқ маълумотларнинг долзарблигини баҳолаш орқали, шу жумладан, фойдаланувчиларнинг ахборот хабарларини қайта ишлаш натижалари бўйича Порталда жойлаштириладиган очиқ маълумотларнинг тўлиқлиги, ишочлилиги ва долзарблигини таъминлаш;

устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ва соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар тавсияларини инобатга олган ҳолда Рўйхатни янгилаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва ҳар йилнинг сентябрь ойига қадар Портал операторига киритиш;

тасдиқланган Рўйхатга мувофиқ очиқ маълумотларнинг янгиланишини таъминлаш;

очиқ маълумотларнинг қонун хужжатларига мувофиқлигини таъминлаш;

очиқ маълумотлар тўпламларининг паспортларини тузиш, расмийлаштириш ва Порталда эълон қилиш;

автоматик равища эълон қилинадиган маълумотлар тўпламлари жойлашган ахборот ресурсларини Портал билан интеграциясини амалга ошириш;

тақдим этилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, Портал операторига ишлаб чиқилган очиқ маълумотлар тўплами билан биргаликда хабарнома юбориш.

10-боб. Фойдаланувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари

38. Фойдаланувчининг хуқуқлари:

Порталдан фойдаланган ҳолда очиқ маълумотларга кириш; очиқ маълумотларни тақрор ишлаб чиқиш, нусха олиш, эълон қилиш ва узатиш;

очиқ маълумотлардан эркин, муддатсиз, бепул ва чегарасиз фойдаланиш (шу жумладан, тақроран фойдаланиш);

очиқ маълумотларни тарқатиш ва қайта гурухлаш;

очиқ маълумотлар тўпламларидан фойдаланган ҳолда ахборотлар тайёрлаш ва уни мослаштириш, модификациялаш, ўзгартериш ва (ёки) чиқариб олиш;

очиқ маълумотлардан тижорат мақсадларида, шу жумладан, турли хилдаги дастурий маҳсулотлар ва иловалар яратишда фойдаланиш;

товарлар ва молия бозорларининг монополиясини аниқлаш мақсадида очиқ маълумотлардан фойдаланиш;

Портал операторига Порталнинг дастурий-техник воситаларидан фойдаланган ҳолда унинг фаолият кўрсатиш масалалари бўйича ва Очиқ маълумотларни етказиб берувчиларга Порталга жойлаштириладиган очиқ маълумотлар тўпламлари юзасидан ахборот хабарларини юбориши.

39. Фойдаланувчининг мажбуриятлари:

очиқ маълумотлардан фақат қонун хужжатларига зид келмайдиган мақсадларда фойдаланиш;

очиқ маълумотлардан фойдаланишда ахборот манбаига ҳаволани биритириш.

11-боб. Портални тақомиллаштириш ва уни техник қўллаб-қувватлашни молиялаштириш манбалари

40. Порталнинг янги версиясини яратиш, жорий этиш ва келгусида уни қўллаб-қувватлашни, шунингдек, очиқ маълумотлар соҳасида ягона методологияни ишлаб чиқиш, маҳаллий ва халқаро эксперт ва консультантларни жалб қилган ҳолда масъул ходимлар малакасини ошириб боришни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгиланади:

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон хукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварағидаги маблағлар;

тижорат ва хўжалик фаолиятини юритиш мақсадида Портал билан электрон ҳамкорликни (API интерфейсларидан фойдаланган ҳолда) йўлга қўйиш учун тузилган шартномалар орқали тушган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари; қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

41. Мазкур Низомнинг 40-банди учинчи–бешинчи хатбошиларида кўрсатилган молиялаштириш манбалари томонидан йиғилган маблағлар қўйидаги тартибда тақсимланади:

60 фоизи – Портал фаолиятини такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини, жумладан, сервер ва коммуникация ускуналарининг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмларини иш ҳолатида сақлаш учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

40 фоизи – халқаро тан олинган тажрибалар асосида очик маълумотларни сифатли тайёрлашга йўналтирилган ягона методикани ишлаб чиқиш, очик маълумотларни етказиб берувчилар масъул ходимларининг мунтазам равишда малакасини ошириб бориш ва мазкур жараёнларга маҳаллий ва халқаро ташкилотларнинг эксперт ва консультантларини жалб қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобварафига йўналтирилади.

12-боб. Якунловчи қоидалар

42. Порталда жойлаштирилган ахборотларнинг ўз вактида эълон қилиниши, уларнинг ишонччилиги ва тўлиқлиги учун очик маълумотларни етказиб берувчилар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланадилар.

43. Портал оператори ва Портални техник қўллаб-қувватловчи фойдаланувчилар очик маълумотлардан фойдаланиши оқибатларига, шу жумладан, Порталда жойлаштирилган очик маълумотлардан фойдаланиш натижасида юзага келиши мумкин бўлган зарар учун жавобгар эмас.

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун хужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар порталида
эълон қилинадиган маълумотлар тўпламлари рўйхатини шакллантириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ҳаракатлар	Масъуллар	Муддатлар
1-босқич	<p>Устувор халқаро маълумотлар базалари кўрсаткичлари ҳамда соҳадаги нуфузли хорижий ташкилотлар индекслари ва тавсиялари, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари талабларини инобатга олган ҳолда Очиқ маълумотлар порталида (кейинги ўринларда – Портал) эълон қилинадиган маълумотлар тўпламлари рўйхатига (кейинги ўринларда – Рўйхат) киритиш учун таклифларни Портал операторига тақдим этиш.</p>	Давлат органлари ва ташкилотлари	Ҳар йили 1 сентябрга қадар
2-босқич	<p>1. Давлат органлари ва ташкилотлари тақлифларини Порталга жойлаштириш имкони ва самараси нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиши. 2. Асосланган тақлифларни ўз ичига олган Рўйхатни шакллантириш ва тасдиқлаш учун “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссиясига киритиш.</p>	Портал оператори	Ҳар йили 1 декабрга қадар
3-босқич	<p>Тасдиқланган рўйхат асосида очик маълумотлар тўпламларини белгиланган муддатлар ва шаклларда Порталга жойлаштириб боришина таъминлаш.</p>	Давлат органлари ва ташкилотлари	Рўйхат асосида
4-босқич	<p>Тасдиқланган рўйхат асосида давлат органлари ва ташкилотлари маълумотларни Порталга жойлаштириб бориши мониторингини олиб бориш.</p>	Портал оператори	Доимо

Ўзбекистон Республикасининг
Очиқ маълумотлар портали тўғрисидаги низомга
2-илова

Очиқ маълумотлар тўпламининг паспортини тўлдириш НАМУНАСИ

Очиқ маълумотлар тўпламининг паспорти ТАВСИФИ

1. Очиқ маълумотлар тўпламининг идентификация рақами (коди).
2. Очиқ маълумотлар тўплами ҳақида маълумот:
 - 2.1 тўлиқ номи;
 - 2.2 тавсифи;
 - 2.3 таркиби;
 - 2.4 ишлаб чиқиш методикаси.
3. Очиқ маълумотлар тўпламини етказиб берувчи:
 - 3.1 очиқ маълумотларни етказиб берувчи ташкилотнинг тўлиқ номи;
 - 3.2 масъул шахс (Ф.И.О.);
 - 3.3 масъул шахснинг телефон рақами;
 - 3.4 масъул шахснинг электрон манзили (*етказиб берувчи доменидаги электрон почта манзили*).
4. Очиқ маълумотлар тўплами формати.
5. Очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш:
 - 5.1 биринчи марта эълон қилинган санаси ва вақти;
 - 5.2 охирги киритилган ўзгартеришлар санаси ва вақти;
 - 5.3 охирги киритилган ўзгартериш мазмуни;
 - 5.4 янгилаш даврийлиги;
 - 5.5 ўлчов бирлиги;
 - 5.6 бошқа веб-ресурслардаги очиқ маълумотлар тўпламига ҳавола;
 - 5.7 очиқ маълумотлар тўпламининг аввалги версиясига ҳавола.
6. Очиқ маълумотлар тўпламининг мазмунига мос келувчи калит сўзлар.

